

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ЯНАДА ОРТАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев электротехника саноатини янада ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бу йўналишда изчил ислохотлар амалга оширилиб, замонавий қувватлар барпо этилди, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмлари ортиб бормоқда. Масалан, жорий йилнинг 9 ойида тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми 16,3 фоизга ўсиб, 34 триллион сўмга етди. Экспорт 970 миллион долларни ташкил қилди.

Шу билан бирга, соҳада ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Хусусан, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улushiни ошириш, мисини чуқур қайта ишлаш ва экспортни диверсификация қилиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айни вақтда мис маҳсулотлари экспортининг атиги 60 фоизи юқори қўшилган қийматли товарлар улushiга тўғри келяпти.

Тақдимотда мамлакатимизда чуқур қайта ишлашни рағбатлантириш, бу борада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада қўллаб-қувватлашга қаратилган тақлифлар кўриб чиқилди. Жумладан, мисни харид қилишда четirma тақдим этиш, кредит фоизларининг 5 фоиздан юқори қисmini давлат томонидан қоплаш, солиқ ва божхона тўловлари бўйича енгилликлар бериш режалаштирилган.

Тармоқда аънанавий турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан бирга юқори технологик турларини ўзлаштириш, жумладан, электроника ва ярим ўтказгичлар соҳасига қийб бориш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Янги лойиҳалар ҳисобига келгуси йилларда юртимизда мис ишлаб чиқариш ҳажми 250 минг тоннага, 2030 йилга бориб эса 500 минг тоннага етиши кутилмоқда. Мутасаддилар ушбу хомашё базасидан фойдаланиб, унинг негизига юқори қўшилган

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЯНГИЧА МЕХАНИЗМЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш тизимини такомиллаштиришга оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ҳукуматнинг асосий вазифаларидан биридир. Турли хатарлар пайдо бўлаётган ҳозирги замонда фавқулодда вазиятлар органлари тизимини ҳам такомиллаштириш зарурати тугилмоқда.

Соҳада 30 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлса-да, ҳалигача фавқулодда вазиятлар муҳофазаси бўйича комплекс дастур йўқ. Бундан 16 йил олдин қабул қилинган “Енгин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди.

Шу боис, фавқулодда вазиятларни олдиндан баҳолаб, тезкор ва проактив ишлайдиган тизим яратиш вазифаси қўйилган.

Тақдимотда мутасаддилар шу борадаги таҳлил натижалари, мавжуд муаммолар ва тақлифларини баён қилди.

Ҳозир фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишлари асосан давлат идораларида амалга ошириляпти. Лекин бундай ҳолатларнинг 70 фоиздан ортиги аҳоли хонадонларида носоз, мuddати ўтган газ ва электр жиҳозлардан фойдаланиш, хавфсизлик маданиятига риоя қилмаслик оқибатида юзага келяпти.

Шунинг учун тизим ишини маҳаллаларда ташкил этиб, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, хавфсизлик маданиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар билан ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўча ва хонадонни қамраб олиш зарурлиги таъкидланди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ТОЖИКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 9-10 октябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Давлатимиз раҳбари Душанбе шаҳрида ўтадиган “Марказий Осиё — Россия” форматидagi иккинчи саммит ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этади.

Бўлажак тадбирлар кун тартибидан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, шу жумладан, сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш, саноат, қишлоқ ҳўжалиги,

транспорт, энергетика ва инфратузилма соҳаларида кооперация қилиш, фаол маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш масалалари ўрин олган.

Етакчилар халқаро кун тартиби ва минтақавий хавфсизлиқни таъминлашнинг долзарб жиҳатларини ҳам муҳокама қиладилар.

Саммитлар якунида амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор қўшма ҳужжатлар ва қарорлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

ЎЗА



ЎЗБЕКИСТОН — МДҲ: КўП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ПЛАТФОРМА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев шу йил 9-10 октябрь кунлари Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши ва “Марказий Осиё — Россия” мулоқоти шаклидаги навбатдаги саммитда иштирок этади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари билан кўп томонлама муносабатларни фаол ривожлантириб келмоқда. Бундай ҳамкорлик алоқаларининг янада яхшиланишига Ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳудудий яқинлиги ва

иқтисодий жиҳатдан боғланганлигига эмас, балки чуқур тарихий илдизлар, минтақавий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида халқларимиз тақдирининг муштараклиги ҳам асос бўлаётир.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КОНСТРУКТИВ ТАШҚИ СИЁСАТИ ТДТНИНГ НУФУЗИНИ ЮКСАЛТИРИШГА, ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ГАБАЛА САММИТИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь кун Озарбайжоннинг Габала шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммитида иштирок этди.

Саммитда минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизми сифатида ТДТнинг аҳамияти ортиб бораётганини акс эттирувчи мустаҳкам кун тартиби тақдим этилди. Ўзбекистон Президенти аввалги учрашувларда бўлгани каби савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва экологик соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга

қаратилган қатор прагматик ва мазмунли ташаббусларни илгари сурди.

Бу ташаббуслар Ўзбекистоннинг ўзаро шериклигини ривожлантириш, умумий манфаатларни илгари суриш, тарихий ва маданий илдизларга боғлиқ бўлган халқлар ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш борасидаги стратегик интилишини яна бир бор тасдиқлади. Бундай ёндашув халқаро экспертлар ва таҳлил доиралари томонидан кенг қўллаб-қувватланиб, юксак баҳоланаётир.

Давоми 2-бетда

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ИНТИЗОМИ ВА ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ — МУВАФФАҚИЯТ САРИ ТАШЛАНГАН ҚАДАМ

Миллат ривож, юрт тараққиёти ва инсон камолоти интизом ва масъулиятдан бошланади. Асрлар давомида буюк аждодларимиз ҳам айнан мана шу икки фазилатни ҳаёт тарзи, давлат бошқаруви ва илм-маърифат асоси сифатида кўрган.

Бугунги шиддат билан ривожланаётган замонда ҳар бир инсон, жамоа ва жамият олдига турган энг муҳим вазифалардан бири белгиланган режаларни ўз вақтида ва аниқ бажариш, яъни ижро интизоми-ни таъминлаш ҳамда шахсий масъулият



тўғусинни юксак даражага олиб чиқидир. Бу икки омил нафақат иш юритиш самарадорлигини оширади, балки муваффақият сари ташланган асосий қадам ҳам ҳисобланади.

Давоми 4-бетда

МИЛЛИЙ САНОАТИМИЗДА ЯНГИ НАФАС, ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ

Ислохотлар амалда

Навоий кон-металлургия комбинати нафақат маъдан казиб олиш ва қайта ишлашда, балки технологик инновациялар, рақамлаштириш ва экологик барқарорликни таъминлашда ҳам пешқадам компанияга айланиб бормоқда. Янги Ўзбекистон ғояси асосида кечаётган кенг кўламли ислохотлар самараси ўларок, миллий саноатимизга янги нафас, янгича ёндашувлар ҳамда янги тараққиёт кириб келди.

Саноат — иқтисодиёт пойдевори. Юртимиз саноатидаги юқори ўсиш суръатлари, янги технологиялар жорий қилиниши, замонавий корхоналар очилиши иш ўринлари яратибгина қолмай, экспорт салоҳиятини оширишга, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда маҳаллий хомашёни қайта ишлашга катта эътибор қаратиляпти

лар бўлиши кутиляпти. Иқтисодий ўсиш ва хорижий инвестициялар оқими кўпайиши ислохотларга содиқлик, қулай бизнес муҳити ҳамда халқаро ҳамкор ташкилотларнинг юксак ишончи натижаси, албатта.

Юртимизда кон-металлургия соҳасини ривожлантиришга муҳим дастур ва пухта ўйланган инвестицион лойиҳалар ҳамда инновацион технологиялар изчил татбиқ

НУКУСДАГИ ЛОЙИҲА БЕМОРЛАРГА УМИД БАҒИШЛАДИ ЭНДИ СИЛ КАСАЛЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА ДАВОЛАШ ОСОН

— Олти ойдан буюн силга қарши даволянаппман. Ҳозир ўзимни анча яхши ҳис қилиб, кўчага чиқиб, ҳаётдан завқ олишни бошладим, — дейди 29 ёшли Зухра. — Тузалишимга волонтерлар ва маслаҳатчилар катта ёрдам берди. Айниқса, психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари кучли далда бўлди. Бошида келажак ҳақида ҳатто ўйламасдим. Мен учун ҳаёт тугагандек эди. Лекин тажрибали психологларнинг доимий эътибори, парвариши туфайли келажакка ишонч билан қарай бошладим. Ҳозир ўзимни яхши ҳис қиляпман, дори-дармон ичишни давом эттиряпман. Муҳими, ишонч ва умидим мустаҳкамланди.

Аввал сил касаллиги билан оғриган беморнинг бутун оиласи азият чекарди. Шифохонада йиллаб даволянишга мажбур эди.

1998 йил Қорақалпоғистонда сил касаллиги юқори даражада тарқалгани туфайли Нукусда силга қарши кураш лойиҳаси бошланди. Лойиҳа Жаҳон солиқни сақлаш ташкилотининг ДОТС (Кузатув остидаги қисқа муддатли даволаш) стратегияси асосида амалга оширилди.

Кейинчалик лойиҳа шахсга йўналтирилган, кенг қамровли ёндашувга айланиб, дорига сезувчан ва дориларга чидамли сил турларини қамраб олди. Дастур минглаб беморлар ва уларнинг оила аъзолари учун даволяниш имкониятини яратиб, уларга умид бағишлади. Ниҳоят қарийб 30 йил давом этган бу дастур муваффақиятли яқунланди.

Давоми 3-бетда

